



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Худояров Анвар Аиджанович -**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми  
кафедраси доценти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a71](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a71)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туризм саноатини ташкил қилиш ва ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлари ҳамда бошқарув механизмлари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** бошқарув, диверсификация, кластер, зиёрат туризми, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, тажриба, ҳуқуқий асослар, хавфсизлик, ҳуқуқий-иқтисодий база.

## ОСОБЕННОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНА

**Худояров Анвар Аиджанович -**

*Международная исламская академия Узбекистана*

*доцент кафедры исламской экономики и  
финансов, паломнический туризм*

**Аннотация.** В данной статье рассматривается налаживание и развитие отношений Республики Узбекистан с международными организациями и зарубежными странами в сфере туризма, увеличение притока туристов в нашу страну. Также, повышение организационно-экономические аспекты, качества и культуры услуг, а также механизмы управления отношениями, связанными с безопасностью туристов.

**Ключевые слова:** управления, диверсификация, кластер, паломнический туризм, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая база.

## FEATURES AND TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

**Xudoyarov Anvar Aidjanovich -**

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

*Associate Professor, Department of Islamic  
Economics and Finance, Pilgrimage Tourism*

**Abstract.** This article examines the establishment and development of relations of the Republic of Uzbekistan with international organizations and foreign countries in the field of tourism, an increase in the influx of tourists to our country. Also, improving the organizational and economic aspects, quality and culture of services, as well as mechanisms for managing relations related to the safety of tourists.

**Keywords:** management, diversification, cluster, adventure tourism, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic framework.

**Кириш.** Юртимиз турли миллат, дин ва маданият вакиллари яшайдиган диёрдир. Она заминимиз замонавий юқори технологик тараққиёт билан уйғунликда яшайдиган бой тарихий меросга эга. Ватанимизнинг географик жойлашган ўрни ниҳоятда қулай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги инсоният маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожланишида асосий омиллардан бири бағрикенглик, тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг мавжудлигидир.

“Ўзбек халқининг асрий анъаналари, жумладан, тарбия соҳасидаги анъаналари аждодларимизнинг табаррук дини билан боғлиқ. Ёши катталарга салом бериш, уларни хурмат қилиш, ёши кичиклар ва кучсизларни авайлаш, илм олиш ва касб ўрганишга даъват, ҳалол меҳнат қилишга чақириб, қўшнилари билан хушмуомила бўлиш каби анъаналар ўзбеклар оилаларида, уларнинг динига муносабатларидан қатъи назар, ёшларга сингдириб келишган” [1]. Халқимизнинг бундай ўзаро хурмат ва эҳтироми, динлар, халқлар ва миллатларга нисбатан бағрикенглиги, хотирлаш ва қадрлаш туйғулари усту-

вор бўлгани учун ҳам ватанимизда туризм, зиёрат туризми ривожланмоқда ва туристлар сони кундан-кун ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида “Ziyarah tourism” бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясининг ишлаб чиқилиши соҳанинг ривожланишига хизмат қилади. Биламизки, қадимда турли минтақаларнинг ўзаро иқтисодий-маданий, диний, ижтимоий муносабатларида зиёрат туризмнинг ўрни ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятига эга бўлган.

Бу, ўз навбатида, худудлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ҳамда давлатлар ўртасида ахборот ва маълумотларнинг алмашувини таъминлашга хизмат қилган. Шу билан бир қаторда, маданий қадриятларнинг ривожланишида ҳамда халқлар, миллатлар, динлар ўртасида ўзаро дўстлик ва бағрикенглик ришталарини мустақамлашда асосий восита вазифасини бажарган. Қитъалар ва давлатларнинг интеграциялашуви натижасида цивилизациялараро мулоқот учун қулай шарт-шароитлар вужудга келган ва ривожланиб борган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** 2017 йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича қилинаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент ислом университети ва юртимиздаги энг етакчи сайёҳлик фирмалари иштирокида ишчи йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишни Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Ш.Миноваров очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август кунги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантирган ҳолда юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш йўналишида зиёрат туризми ташкил этилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, мусулмон давлатлари, айниқса, Малайзия, Индонезия каби мамлакатлардан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишлар жадал кетаётганини алоҳида қайд этди. Ш.Миноваров сўзида давом этиб, бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент ислом университети ва юртимиздаги энг етакчи сайёҳлик фирмалари иштирокида ишчи йиғилиш ўтказилди.

йича қўмита, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилаётганини маълум қилди.

Шунингдек, мамлакатимизда зиёрат туризми ассоциациясини ташкил этиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланганини билдирди. Жумладан, зиёрат туризми бўйича хориж давлатлари тажрибасини ўрганиш, чет эл мамлакатларида ташкил этилаётган сайёҳлик кўرғазмаларида қатнашиш ва реклама тадбирларини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меъморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Абу Исо ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро ва миллий туризм бозорларидаги ўзимизга хос нуфузимизни ва ўрнини кўрсатади [2].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган йўналишлардаги маданий мерос ва архитектура объектлари сонини 800 тага етказиш ҳамда бу орқали уларнинг ҳолатини яхшилаш” [3] вазифаси қўйилган. Ушбу стратегик вазифани бажаришда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас қадамжоларнинг зиёратга мослиги ҳамда зиёрат қилишга яроқлилигини оширишга қаратилган аниқ ва самарали чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Зиёрат туризми, яъни одамларнинг маънавий эҳтиёжи ҳам меҳмонлар сони ортишига хизмат қилади. Мусулмон мамлакатлар аҳолисининг ортиб бориши ҳамда ривожланган мамлакатлардаги мусулмонлар диаспораси кўпаяётгани ушбу омилга эътибор қаратиш зарурлигини англатади. Шу муносабат билан Британия мусулмонлари Истанбулдан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига янги ва тўғридан-тўғри рейслар борлигини эшитиб, хурсандлигини бекитмайди. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон туризмнинг ушбу соҳасига индивидуал ёндашувдан фойда кўриши аниқ. Зиёрат туризми ҳақида-

ги бир неча ташаббуслар бу ҳақида бош қотириладиганини кўрсатмоқда [4].

Ўзбекистон “Ziyarah tourism” брендини жаҳон бозорларига олиб чиқишда, соҳа бўйича етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллашда Туризм ва спорт вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда бошқа олий ўқув юртлари томонидан соҳа бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда, Ислом динига оид нодир қўлёзмалар, диний-маърифий мерос ва қадриятларни тадқиқ ва тарғиб қилиш натижасида халқаро ҳамкорлик кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда.

Дунёнинг кўпчилиги тадқиқотчилари томонидан зиёрат туризми диний туризмнинг бир тури сифатида қаралади. Хусусан, А.В.Бабкин, М.Б.Биржаков, Т.Т.Христов диний туризмнинг иккита асосий турини: зиёрат туризми ва ўрганишга оид экскурсион йўналишдаги диний туризмни ажратиб кўрсатадилар. А.В.Бабкиннинг фикрича, диний туризм муқаддас жойлар, диний марказларга бораётган туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолият тури ҳисобланади. Зиёрат туризми эса бирон-бир динга эътиқод қилувчи кишиларнинг тавоф қилиш мақсадида муқаддас жойларга бориши деб қаралади [5]. Халқаро туризм саноатида зиёратчилар учун қулай саёҳат фақат диний мақсадлар ва сабабларни ёки мусулмон мамлакатларни саёҳат қилиш назарда тутилмайди. Авваламбор, у саёҳатларнинг диний амаллари ва талабларини тарқатмаган ҳолда саёҳат қилишга қулай бўлган муҳитни талаб этади [6].

Л.В.Байлагасов ва М.И.Гоппа каби олимлар зиёрат туризмига кенгроқ тушунча сифатида таъриф беришади. Уларнинг фикрича, “зиёрат туризми нафақат дин билан боғлиқ, балки машҳур кишилар қабри ёки уй музейини бориб кўриш, уларни хотирлашни ҳам ўз ичига олади” [7].

Бир қатор бошқа олимлар эса диний ва зиёрат туризмни айнанлаштиради. Масалан, М.А.Винокуровнинг таъкидлашича, диний туризм (зиёрат туризми) муҳим диний маросимларда иштирок этиш учун сафарга чиқиш, диний ёдгорликлар ёки бошқа динлар тарихи ва маданияти билан танишиш мақсадидаги турлар, шунингдек, мутахассисларнинг дин масалалари билан боғлиқ илмий сафарларини кўзда тутати [8]. К.А.Мазин “турист” ва “зиёратчи”, “туризм” ва “зиёрат” тушунчаларини айнанлаштириш нотўғри деб ҳисоблайди. Зиёратни туризм сифатида қарашга умуман қўшилмайди [9]. Лекин туризм фаолият тури сифатида зиёрат тушунчаси ва унинг моҳиятидан фарқ қилмайди. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғри-

сидаги қонунида тур муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат деб таърифланган. Туризм тўғрисидаги қонундаги таърифга асосан зиёратни ҳам тур дейиш мумкин.

Мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш борасида олимларимиз томонидан бир қатор илмий ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий ва иқтисодий асослар шакллантирилиши соҳанинг ривожланишига туртки бўлмоқда. Хусусан, интеграциялашган маркетинг концепциясини ҳудудий туризм бозорини ривожлантиришда амалга оширишнинг ўзига хос модели М.Т.Алимованинг докторлик илмий ишида акс этган [10]. Шу билан бир қаторда, А.А.Эштоевнинг “Глобаллашув шароитида туризм саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида)” диссертация ишида [11], А.Н.Норчаев, Д.С.Умирова томонидан тайёрланган “Туризмда транспорт хизматлари” ўқув қўлланмасида [12] ҳамда Ш.С.Сайфутдинов, М.З.Нурфайзиевалар томонидан тайёрланган “Туроператорлик фаолияти” дарсликларидан [13] акс этган илмий ёндашувлар соҳанинг ривожланишида ўзининг илмий аҳамиятига эга бўлиб, соҳа мутахассисларини тайёрлашда хизмат қилади.

Туризм саноатини, хусусан, зиёрат туризмни ривожлантиришда давлатимиз томонидан олиб бориладиган ислохотлар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Виза талабларини эркинлаштириш натижасида хорижий сайёҳларнинг оқими сезиларли даражада ортди. Зиёратчилар ва диний туристларни жалб қилишда асосий ролни диний марказлар ва муқаддас жойлар белгилаб беради. Бундай жойларга ташриф турли байрам тадбирлари, диний маросимлар, фестиваллар ўтказиш орқали рағбатлантирилиши мумкин.

Бундай тадбирларга қизиқиш нафақат динга эътиқод қилувчиларда, балки бошқа дин ва маданиятни ўрганишни хоҳловчиларда ҳам пайдо бўлади. Шундай қилиб, зиёрат туризмида мотивацион жиҳатлар долзарб ва юқори амалий аҳамияга эга.

**Тадқиқот методологияси.** Диний мақсадли сайёҳатларда туристик мотивларни тушуниш, билиш ва улардан фойдаланиш ушбу туризм йўналишини оммалаштиришда муваффақият гарови бўлиши мумкин. Республикамиз тараққиётини барча мавжуд соҳа ва тармоқларда янги юқори босқичга кўтариш, тубдан янгилаш, шиддат билан иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ҳаракатлар стратегия-

сидаги 5 та устувор йўналишда аниқ қилиб белгилаб берилган.

Харакатлар стратегиясида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қайд этилиб, жумладан, миллий иқтисодийда юқори даромад келтирадиган тармоқлардан бири туризм эканлиги алоҳида таъкидланди. Бунда туризмнинг умумий йўналишлари билан бирга зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризми каби йўналишларни ривожлантириш зарурати таъкидланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, маданий мерос ва диний қадриятларга эътибор кучайтирилди. Шунинг учун диний туризм, зиёрат туризми ва ҳалол туризми ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни билиш муҳим аҳамиятни касб этади.

Диний туризм сайёҳнинг одатдаги яшаш муҳитидан ташқари диний марказлар, илоҳий жойларга саёҳат қилишига тушунилади.

Диний туризм ҳаёт мазмунини англаш, қилган гуноҳларидан кечирим сўраш, руҳий хотиржамлик, ўтган қариндош-уруғлар ҳаққига дуо қилиш, диний эътиқодни намоёни этиш, миннатдорчилик билдириш, айрим руҳий ва жисмоний хасталиклардан холи бўлишни назарда тутати. Диний туризмда кишиларнинг диний эътиқодига қараб имкон қадар қадамжоларга саёҳат қилиш зарур бўлса, зиёрат туризмида бундай саёҳат ихтиёрий ҳисобланади.

“Ҳалол” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, ислом дини бўйича “рухсат бериш” деган маънони англатади. Кундалик ҳаётда ҳалол бу гўштининг ҳалоллиги сифатида тушунилса, аслида кенг маънода у кишининг яшаш фаолиятидаги даврда озиқ-овқат, кийим-кечак, кийиниши, косметика, парфюмерия, шахсий гигиена, ҳордиқ чиқариши, молия, кишилар билан бўлган муносабат, атроф-муҳит, бажариладиган иш, мол-мулк муносабатлари каби доираларни ўз ичига олади.

Зиёрат туризми ҳар хил диний эътиқодга бўйсунувчи кишиларнинг муқаддас қадамжолар, тарихий иншоотлар, маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган сайёҳлик объектларини зиёрат қилишлари ва у ерда ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишларига тушунилади. Зиёрат туризмнинг асосий элементларидан бири экскурсия ҳисобланади. Бунда муқаддас жойларни бориб кўриш билан чегараланмай, унинг тарихини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Зиёратни бир нечта белгиларига қараб гуруҳларга бўлиш мумкин:

– зиёратчилар сонига қараб – индивидуал, оилавий ва гуруҳ;

– муддатига қараб – қисқа ва узоқ муддатли;

– объектнинг жойлашувига қараб – ички ва чет элга зиёратлар.

Зиёрат табиат қўйнида дам олгандек, эко-туризм кабиларда кишининг ўзлигини билиши, кимлигини англаши, қайси динга мойиллигини аниқлаши, табиат ва илоҳий кучлар билан якка-якка мулоқот қилиш имкониятини яратади. Аксарият ҳолларда, Худога ишонмайдиган кишилар ҳам зиёратдан кейин қандайдир руҳий тетиклик, поклик ва қалбан осойишталикни ҳам ҳис этадилар.

Зиёрат қилишдан мақсад кишини руҳан шакллантириш, диний билимга эга бўлиш, ҳақиқатга бўлган муносабатни англаш, уларни қадамжолар тарихини ўрганиш, урф-одат, миллий қадриятларни билишга ундайди. Муқаддас жойларнинг зиёрат учун тегишли инфратузилмаси қанча обод бўлса, зиёратчилар оқими шунча ортиб боради.

Ўзбекистонда зиёрат туризмни кластер усулида бошқариш натижасида муқаддас жойлар томон зиёратчилар оқими кескин ортиб бориши кузатилади. Мамлакатимизда муқаддас жойларнинг зиёрат туризми кластерли даражасини аниқлаш асносида зиёратгоҳларни кластерлаштириш, зиёрат туризмни жадал ривожлантиришнинг муҳим босқичи кўринишида шаклланиб боради.

Бу борада Имом-ал-Бухорий мажмуаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси, Имом ат-Термизий зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Ҳожа Абдуҳолиқ Гиждувоний зиёратгоҳи ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси кластерли зиёратгоҳ даражаси талабларига мос келади ва мазкур муқаддас жойлар негизида зиёрат кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз миқёсида кластерли зиёратгоҳлар кўплаб мавжуд бўлиб, жумладан, Бухоро вилоятининг 5 та туманида жойлашган “ҳожагон-нақшбанд” тариқати силсиласи қуйидаги Етти Пири комиллар – Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Ҳожа Али Ромитаний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фагнавий, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуалари негизида “Етти Пир” ҳамда Хоразм, Қарши, Тошкент, Қўқон ва кўплаб бошқа шаҳарларимизда зиёрат кластерини ташкил этиш бўйича имкониятларимиз мавжуд.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодийнинг глобаллашуви даврида зиёрат туризмни ривожлантиришда нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни республикаларда ҳам туризм секторини ривожлантиришга катта эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодийнинг барча соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш мин-

тақадаги иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга имкон беради. Бу борада туризм секторининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти қўшни республикаларга нисбатан юқори бўлса-да, бу салоҳиятдан тўла фойдаланилмаганлиги бу соҳани ривожлантириш учун амалга ошириладиган ишлар кўп эканлигидан далолат беради.

Марказий Осиёда туризмни ривожлантириш минтақавий иқтисодий интеграцияни жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Ваҳоланки, қўшни республикалар бир-бирини тўлдирувчи туризм потенциалига эга. Масалан, Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг ислом дини ва маданияти, меъморчиликнинг ривожланишида алоҳида ўрин тутса, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг гўзал табиати саёҳатчиларни ўзига жалб қилади. Албатта, бу республикалар ҳам тарихий меросларга бой, лекин туризм турларининг жозибадорлиги бир-биридан фарқ қилади десак, муболаға бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёда туризмни шакллантириш республикаларнинг мавжуд туризм потенциали самарадорлиги ва бу секторнинг даромадини оширади. Қозоғистон Республикасининг Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистонга ташрифида икки мамлакатнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказлари бўлган Туркистон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш бўйича киритган таклифи минтақада туризмни ривожлантиришнинг янги кўламдаги истиқболларига кенг йўл очиб беришини таъкидлаб ўтди [14]. Албатта, бу таклиф замирида, биринчи навбатда, зиёрат туризми назарда тутилганини эътиборга олсак, туризм кластерини амалга ошириш учун бир қанча ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш лозим бўлади. Жумладан:

Биринчидан, кластер учун мавжуд бўлган туризм потенциаллари ва инфратузилмаларининг мослиги.

Иккинчидан, туристлар учун кластернинг жозибадорлиги.

Учинчидан, туроператорларнинг кластер потенциалига, айниқса, тарихий, диний ва меъморий обидаларга оид тўла билимга эгалиги.

Тўртинчидан, зиёрат туризми кластерининг бошқа турдаги (ташкил этилган бўлса) кластерларга мутаносиблиги (потенциали, инфратузилмалари ва мавсуми жиҳатидан).

Бешинчидан, қўшни давлатлардаги чет эллик саёҳатчилар учун виза режимидаги фарқликларни бартараф этиш, бу масалада ҳар бир давлат учун мутаносиб виза режимини жорий

қилиш каби омиллар ва бошқа элементларни ҳисобга олмоқ жоиз бўлади.

Республикада туризм кластери янги йўналиш бўлса-да, бу борада амалга оширилаётган тадбирларга Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги туризм ҳудудлари тажрибаси асосида Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида туризм ҳудудлари, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида тоғ кластерларини босқичма-босқич ташкил этиш режалаштирилган тоғ кластерларига мисол бўла олади [15].

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш концепцияси билан бир қаторда ҳукуматлараро миқёсда “Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда минтақавий туризм кластерларини ташкил қилиш ва ривожлантириш” концепцияси ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу концепцияда минтақавий зиёрат туризмни ташкил этишда юзага чиқадиган ҳуқуқий-ташкилий ва иқтисодий масалалар кластер ташкил этувчи томонлар тарафидан атрофлича ўрганилиб чиқилмоғи ва уларнинг ечими акс эттирилмоғи лозим.

Албатта, юқорида таъкидланганидек, ҳар бир тарихий обиданинг ўзига хос “жозибалари ва сирлари” бор ва буларни эшитиш ҳар бир зиёратчига ҳузур бахш этиши табиийдир. Ваҳоланки, ислом маданиятининг дурдоналари бўлган Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Хива ва бошқа шаҳарларида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар, авлиё ва уламоларнинг мақбаралари, қадимги масжид ва қўлёмаларни Туркия, Малайзия, Индонезия ва Араб давлатларидан келган мусулмонларга кўрсатиш ва уларнинг салоҳияти даражасида талқин этиш зиёрат туризми ривожланишига асосий омил ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бу каби зиёратгоҳларни қўшни давлатлардаги Аҳмад Яссавий мақбараси, Арслонбоб Ота мақбараси, Сафед Булон (Қирғизистон) каби бошқа зиёратгоҳларни ҳам юқоридаги қадамжолар қаторига қўшсак, муболаға бўлмайди. Шу нуқтаи назардан концепцияда юқорида эътироф этилганидек, ҳам тарихий, ҳам диний билимга эга бўлган юксак савиядаги малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоғи зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ваҳоланки, бу масаланинг долзабрлиги Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Кириш туризмни ривожлантириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарорида таъкидлаб ўтилган. Қарорда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган бўлиб, бу марказга оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, хорижий оммавий

ахборот воситаларида Ўзбекистон тўғрисида Ислом дини ва бошқа жаҳон динларининг маданий-тарихий ва илмий-теологик маркази сифатида ахборот материалларини тарғиб қилиш ва тарқатиш юклатилган.

Юқорида таъкидланганидек, Марказий Осиёда зиёрат туризми кластерини шакллантиришда асосий муаммолардан бири саёҳатчилар учун виза режимини мутаносиб ҳолга келтиришдир. Албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистон билан оптималлашган Шенген визаси аналогиди давлатларо виза режими жорий этиш ташаббусининг амалга ошиши туристлар оқимининг кескин ортишига имкон яратади. Бундан ташқари минтақавий туризмга, айниқса, туризм маршрутларига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири қўшни республикалар ва Ўзбекистон авиакомпанияларининг халқаро йўналишдаги қатновлар учун авиачипталар нархи орасидаги кескин фарқдир.

Юқорида эътироф этилган қарорда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга қатновлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида халқаро қатновлар учун авиачипталарни таннархидан паст нархларда сотиш ҳуқуқи берилган, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг солиқ солинадиган базасини арзонлаштирилган нархлар бўйича сотилган авиачипталар суммасига камайтириш механизмининг жорий этиш кўзда тутилган.

Бизнинг фикримизча, республикада зиёрат туризмини ривожлантиришда Марказий Осиё ҳудудида зиёрат туризмини ташкил этиш аҳамиятлидир. Бу борада юзага чиқадиган ҳуқуқий-ташкилий ва иқтисодий масалалар кластер ташкил этувчи давлатлар тарафидан атрофлича ўрганилиб чиқилмоғи лозим.

Туризм потенциали, туризм саноати ва инфратузилмаси каби зиёрат туризми кластерининг элемент ва сегментларини боғловчи минтақавий модель ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Мамлакатимизда жами 8,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан тўртта музей шаҳарлар – “Хива шаҳридаги Ичан-қалъа”, “Бухоро шаҳрининг тарихий маркази”, “Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази”, “Самарқанд шаҳри” ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган [16]. Шу билан бир қаторда, “Туризм бўйича Гаага декларациясида “туристлар хавфсизлиги ва ҳимояси, уларнинг шаънини ҳурмат қилиш туризм ривожланишининг сўзсиз шартидир”[17] деб таъкидланганидек, Ўзбекистонда сайёҳлар хавфсизлиги тўлиқ таъминланади ва ҳимоя қилинади.

Албатта, буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига жалб этиши аниқ. Юртимизнинг тарихан Буюк Ипак йўли чорраҳа-

сида жойлашганлиги ҳам қадимдан бизда туризм ривожланганлигини кўрсатади. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилганлиги аҳамиятлидир.

Муқаддас жойлар қанча жозибадор бўлса, зиёратчилар оқими ортиб боради. Зиёрат туризмининг кластер усулида ташкил қилиш билан муқаддас жойлар томон зиёратчилар оқимининг кескин кўпайтириш имконига эга бўлинади. Шу маънода юртимиз сайёҳликнинг айни шу йўналиши бўйича салоҳияти ғоятда юксак.

Ислом дунёсидаги энг қимматбаҳо Куръони Карим намуналаридан бири Ҳазрати Усмон Мусҳафи Ўзбекистонда эканки, муҳаддислар имоми, ҳадис илми олимларининг устози Муҳаммад ал-Бухорий, Нақшбандия тариқатининг кўп етук издошлари бизнинг заминимизда камол топгани ва сўнги манзиллари шу ерда эканлиги, қолаверса, бир қанча диний марказларнинг мавжудлиги шундан далолат беради. Шунинг учун муқаддас жойларнинг тегишли инфратузилмасини аниқлаш асносида зиёратгоҳларни кластерлаштириш зиёрат туризмининг жадал ривожлантиришнинг муҳим босқичи сифатида хизмат қилади.

Минтақанинг инновация салоҳиятидан фойдаланиш ва уни кенгайтиришда туризм кластерларини ташкил этиш қуйидаги имкониятларни беради:

- туризм бизнеси, фан ва давлат бошқарув ташкилотларининг биргаликдаги ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши;

- туристик кластер қатнашчилари фаолиятининг ресурсларга эга бўлиш имкониятини (ахборот, инновация ва технологик) кенгайтириш ҳамда инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш йўли билан харажатларни, жумладан, трансакция харажатларини камайтириш асосида самарадорлигини ошириш;

- туризм хизматларини ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириш асосида инновацион маҳсулотларни яратиш ва бозорга олиб чиқиш жараёнини жадаллаштириш;

- кластерни шакллантиришда иштирок этувчи инвесторлар учун имтиёзларнинг мавжудлиги сабабли минтақада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш;

- янги бизнесни яратиш ва ривожлантириш шароитлари яхшиланиши туфайли рақобатнинг рағбатлантирилиши;

- туристик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришнинг барча зарур бўғинлари битта ҳудудда тўпланиши натижасида қўшилган қиймат ўсишининг ёпиқ занжири шаклланиши.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Миноваров Ш.Ш. Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ижтимоий ва ижодий фаолликка ундашда миллий-диний анъаналарнинг аҳамияти. Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 1999 йил 20 ноябрь.
2. Худоярова А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020.
4. <https://uzbektourism.uz/en/newnews/viewid=801>
5. Бабкин А.В. Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с.
6. Худоярова А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
7. Байлагасов Л.В., Гоппа М.И. О классификации паломнического туризма. // Международный научный журнал «Символ науки». 2016, № 10. С. 192-194.
8. Винокуров М.А. Что такое туризм? // Известия Иркутской государственной экономической академии. 2004. № 3. С. 19-24.
9. Мазин К.А. Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий. // Современные проблемы сервиса и туризма. 2009. № 4. С. 8-24.
10. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Диссертация илмий иши. – Самарқанд, 2017.
11. Эштоев А.А. Глобаллашу шароитида туризм саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Диссертация. – Самарқанд, 2019.
12. Норчаев А.Н., Умирова Д.С. Туризмда транспорт хизматлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.
13. Сайфутдинов Ш.С., Нурфайзува М.З. Туроператорлик фаолияти. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.
14. Қозоғистон Президенти Ўзбекистонга қандай тақлиф билан чиққани маълум бўлди. <https://kun.uz/news/2019/04/16/>
15. Зиёрат туризми Ўзбекистон учун даромадлими? <https://azon.uz/content/views/ziyarat-turizmi-uzbekiston-uchun-daromad>. 30.04.2019.
16. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармонида илова.
17. Тухлиев Н., Жиянов Ў. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари. Дарслик. – Т.: «Ilm-Ziyo-Zakat» нашриёти, 2021. – 234 б.



**ХУДУДИЙ ТУРИЗМНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a72](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a72)

**Умирова Дилноза Сафаровна** -  
Туризм ва сервис кафедраси доценти, PhD  
**Адилова Зулфия Джавдатовна** -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, и.ф.д.

**Аннотация.** Мақолада республикада худудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада худудий туризмни инновацион ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, хусусан, инновацион ёндашув асосида Қашқадарё вилоятида худудий туризмни самарали ривожлантириш, худудий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича стратегик истиқболлар прогноз қилинган.

**Калит сўзлар:** худудий туризм, инновацион ёндашув, Қашқадарё вилояти, янги технологиялар, прогноз, туризм фаолияти, туризм инфратузилмаси, туризм салоҳияти

**ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНАЛЬНОГО ТУРИЗМА**

**Умирова Дилноза Сафаровна**  
Ташкентский государственный экономический университет  
Доцент кафедры туризма и сервиса, PhD  
**Адылова Зулфия Джавдатовна** –  
д.э.н., профессор кафедры "Управление  
человеческими ресурсами" ТГЭУ

**Аннотация.** В статье уделено особое внимание всем аспектам, служащим повышению потенциала регионального туризма в нашей республике и его реализации. В данной статье прогнозируются концептуальные направления инновационного развития регионального туризма, в частности, стратегические перспективы эффективного развития регионального туризма в Кашкардинской области, повышения социально-экономической эффективности развития регионального туризма на основе инновационного подхода.

**Ключевые слова:** региональный туризм, инновационный подход, Кашкардинская область, новые технологии, прогноз, туристская деятельность, туристская инфраструктура, туристский потенциал.